

Аллоҳга ва унинг Расулига муҳаббат қиладиган шахс | Тазкия дарслари (240-дарс)



19:00 / 29.07.2023 1762

Қуйида Аллоҳга ва Унинг Расулига муҳаббатлари билан тилларда дoston бўлган авлод - саҳобалар авлоди вакиллари билан бирига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам берган гувоҳлик ва унинг самараси ҳақида қисқача сўз юритамиз.

يَضْرَعُوكَ الْإِنْبَاءَ مَلَسَ نَع
دَقُّ يَلَعَنَّاكَ يَا لِقَاءُ هُنَّ هَلْ لَّا

ي ل ص ي ب ن ل ا ن ع ف ل خ ت
ي ف م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا
: ل ا ق ف ، د م ر ه ب ن ا ك و ، ر ب ي خ
ه ل ل ا ل و س ر ن ع ف ل خ ت ا ن ا
، م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ي ل ص
ي ب ن ل ا ب ق خ ل ف ي ل ع ج ر خ ف
ة ل ي ل ل ا ء ا س م ن ا ك ا م ل ف ،
ي ف ه ل ل ا ا ه خ ت ف ي ت ل ا
ه ل ل ا ل و س ر ل ا ق ا ه ا ب ص
: م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ي ل ص
ن د خ ا ي ل و ا ة ي ا ر ل ا ن ي ط ع ا ل «
ه ل ل ا ه ب خ ي ا ل ج ر ا د غ ة ي ا ر ل ا
ه ل ل ا ب خ ي : ل ا ق و ا - ه ل و س ر و

هُلَّلَا حَتْفِي - هَلُّوسَرُو
أَمْوِيْلَعِبُ نَحْنُ إِذِإْفِ ، «هَيْلَعِ
، يِلَعِ أَذْه : أَوْلَاقَفِ ، هُوْجَرَن
يِلَصِ هَلَّلَا لُوسَرُ هَاطِعَافِ
ةَ يَارَلَا مِلَسُو هَيْلَعِ هَلَّلَا
هُوْرِ . هَيْلَعِ هَلَّلَا حَتْفِ
بِنَاخِي شِلَا

Салама ибн Акваъ розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Хайбарда Али Набий соллаллоху алайҳи васалламдан ортда қолган эди. Унинг кўзи оғриб қолган эди. У: «Мен Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламдан ортда қолар эканманми?!» деди-да, чиқиб, Набий соллаллоху алайҳи васалламга етиб олди.

Аллоҳ фатҳ берган тонгга ўтар оқшом Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам:

«Эртага туғни Аллоҳ ва Расули яхши кўрадиган [ёки Аллоҳ ва Расулини яхши кўрадиган] кишига бераман [ёки олади]. Аллоҳ унга фатҳ беради», дедилар.

Қарасак, Алий (келибди). Биз уни кутмаган эдик. «Мана Али», дейишди. Бас, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам туғни унга бердилар. Аллоҳ унга фатҳ берди».

Икки шайх ривоят қилишган.

Бу ривоятдан кўзи қаттиқ оғриб, бетоб бўлиб ётган ҳазрати Али розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Хайбар ғазотига боролмай қолганларини тушуниб оламиз.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ислом лашкарларини олиб, Хайбарга жўнаб кетганлари ҳақидаги хабарни эшитган Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу ваҳҳаҳу хасталикларига қарамай, ўринларидан туриб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб олганлар...

Уларнинг буюклиги бундан бошқа нарсага изн бермайди. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу худди ана шу тоифадаги буюкларнинг ичида ҳам нодир шахслардан бири эди. У кишига Аллоҳ таоло томонидан берилган шахсий сифатларнинг Ислом ила тобланиши айнан ана шундай мўъжиза мисол шахсиятни юзага келтирган эди.

يَضْرِبُ دَعَسٍ نَبْلَ لَهَسٍ نَع
هَلَلَا لُؤْسَرٌ نَأُ هُنَعُ هَلَلَا
لَأَقِ مَلَسُو هِيلَعِ هَلَلَا يَلِص
هَذَهُ نَي طُعْ أَلُ « رَبِّي خَمْوِي
هُ هَلَلَا خَتْ فَي ، أَلْجَرَ هَيَّ أَرَلَا
هَلَلَا بَحِي ، هَي دَي يَلَع
هُ هَلَلَا هَبْحِي وَ ، هَلْؤُسَرَو
تَابَفَ : لَأَقِ ، هَلْؤُسَرَو

مُهَتَلِيْلَ نُوْكَوْدِيْ سَانِلا
حَبْصَا اَمَلَفْ ، اءاطُعِيْ مُهِيَا
هللا لوسر يلع اودع سانا
ملسو هيلع هللا يلص
، اءاطُعِيْ نَأ وُجَرِيْ مُهَلُكْ ،
يبأ نُبُّ يِلَع نِيَا « : لاقف
لوسر اي وُه : ليقف ، « بِلِاط
: لاق ، هِي نِيَع ي كَت شِي هللا
ينوتأف هِي لئا اولسرأف «
هللا لوسر قَصَبَفْ ، « وِب
يف ملسو هيلع هللا يلص
يَّحْ اَرْبَفْ ، هَلْ اَعَدُوْ ، هِي نِيَع
، عَجَو وِب نُنْ كِيْ مَلْ نَأْ

يُلَعَلَّاقَفَ ، ةَيَّارِلْا هَاطَعَأَفْ
 مُهَلَّتْاقُأْ ، هَلَلْا لُوسَرَّاي
 :لَاقَفَ ، اَنَلْتِم اُونُوكَي يَّتَح
 يَّتَح كِلْسَرَّيَلَعْ دُفْنَا
 مُهَعْدَا مُثْ ، مِهَتْحَاسَبْ لَزْنَتْ
 اَمْبُ مُهَرْبُخْأَوْ ، مَالْسِإِلَا يَلَا
 هَلَلْا قَحْ نَمْ مُهَيَلَعْ بَجَي
 يَدَهَي نَأَلْ هَلَلْا وَفْ ، هَيَفْ
 كَلْ رُيَخْ اِدِحْأَوْ اَلْجَرَكَبُ هَلَلْا
 . «مَعْنَلْا رُمُحْ كَلْ نُونُوكَي نَأْ نَم
 يَنَّاخِي شَلْا هَاوَر

Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Хайбар куни:

«Албатта, ушбу байроқни Аллоҳ унинг қўли ила фатҳ қиладиган, Аллоҳни ва Унинг Расулини яхши кўрадиган ва Аллоҳ ҳамда Унинг Расули уни яхши кўрадиган кишига берурман», дедилар.

Одамлар кечаси билан унинг кимларга берилиши ҳақида гаплашиб чиқдилар. Тонг оттирганларида Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бордилар. Ҳаммалари унинг ўзига берилишини орзу қилар эди. Бас, у зот:

«Али ибн Абу Толиб қани?» дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, унинг икки кўзидан шикоят бор», дейишди.

«Одам юбориб, уни менга олиб келинглар», дедилар у зот.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам унинг икки кўзига туфладилар ва ҳаққига дуо қилдилар. Худди хаста бўлмагандек тузалиб кетди. Бас, у зот унга байроқни бердилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, уларга қарши то биз каби бўлгунларича уруш қиламанми?!» деди.

«Сен шошилмасдан уларнинг қаршисига бор. Сўнгра уларни Исломга даъват қил. Уларга вожиб бўлмиш Аллоҳнинг ҳақлари тўғрисида хабар бер. Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сенинг сабабингдан бир кишини ҳидоятга солмоғи сен қизил туяларинг бўлишидан яхшидир», дедилар».

Икки шайх ривоят қилишган.

Бу ривоятда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг мўъжизаларидан бирининг шоҳиди бўлмоқдамиз. Беморнинг кўзларига дам солиб, дуо қилишлари билан худди кўрмагандек бўлиб тузалиши катта мўъжизадир. Бу иш ўша пайтда у зотнинг ҳар бир ҳаракатларини синчковлик билан кузатиб турган дўсту душманнинг орасида бўлгани билан ҳам эътиборга сазовордир.

Ушбу ҳадиси шарифдан яна бир улкан исломий ҳақиқатни англаб оламиз: Мусулмонлар фатҳ ишларини уруш учун эмас, кишиларни яхшиликка, Исломга даъват қилиш учун олиб борганлар. Агар уруш қилиш ниятлари бўлса, Хайбар аҳли ўша ишга лойиқ эдилар.

Ўша пайтда Хайбар Исломга ва мусулмонларга қарши халқаро марказга айланган эди. У ердан Набий соллalloҳу алайҳи васалламга қарши, Ислом давлатига қарши турли иғво ва ҳаракатлар тинмай чиқиб турган эди. Ўша кундан аввал уруш ҳам бўлган эди.

Шундай бўлса ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан байроқни олган ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу уларга қарши ўзларига ўхшагунча уруш қилишлари ҳақидаги масалани яна бир бор сўрадилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлсалар яна бир бор уларни масалани тинч йўл билан ҳал қилишга, Исломга даъват қилишга иршод қилдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Хайбар куни Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳуга:

«Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сенинг сабабингдан бир кишини ҳидоятга солмоғи сен учун қизил туяларинг бўлишидан яхшидир», дедилар».

Ўша пайтда араблар учун энг гўзал ва мўътабар мулк айни етилиб, қизғиш тусга кирган туя ҳисобланган. Шунинг учун сўнгги жумлани «қизил туяларинг бўлиши» деб ҳам, «ана шундай қимматбаҳо мулкни садақа қилишдан яхши» деб ҳам тушунса бўлади. Манашу муборак кўрсатма, мусулмонларнинг фатҳ ишларидаги шиори бўлиб қолган эди...

يَضْرَعُ رَمْسَ نَبِيٍّ رَجُوعِ
يَضْرَعُ أَيَّلَعٌ نِيْلًا قُوعٌ هَلَلِ
مُويَ بَابِ لَمَحٌ هُنَعٌ هَلَلِ
نُومِلْسُ مَلَا دِعَصٌ تَحَ رَبِّيْخِ
مَلَفَ بَرْجٌ هُنَّو، أَوْحَتَفَفِ
هَاور. أَلْجَرَ نُوَعَبْرًا أَلِ هَلْمُخِي
رَكَاسَعٌ نُبَا

Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Хайбар куни Али дарвозани кўтариб турди. Муслмонлар унинг устидан кўтарилиб, у(қалъа)ни фатҳ қилишди. Кейин уни кўтаришга ҳаракат қилинди, қирқ кишигина кўтара олди».

Ибн Асокир ривоят қилган.

Кўп ўтмасдан, «Қамус» қалъасининг ичкарасидан Аллоҳ лашкарларининг «Аллоҳу Акбар! Енгилди Хайбар!» деган ғалаба садолари янгради.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яна бир мўъжизалари собит бўлди: Аллоҳга ва Унинг Расулига муҳаббат қиладиган шахс – ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг қўллари ила Хайбар фатҳ қилинди.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди